

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2018 —
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ҳ.ҚОСИМОВ, Б.ТИЛЛАБАЕВ

Аралаш каср тартибли интеграллар ва ҳосилалар..... 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Д.ЮСУПОВА

“Кейс-стади” методини физика фанига қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари..... 12

КИМЁ

М.НУРМАТОВА, С.РАШИДОВА, Д.РАШИДОВА

Пектиннинг полиметаллокомплексларини пахта уруғларининг ўсиши ва ривожланишига таъсири 17

М.ИМОМОВА, Б.АБДУҒАНИЕВ

Мотор мойлари таҳлилининг такомиллашган усуллари..... 20

Н.ТўЛАКОВ, И.АСҚАРОВ, Ю.ИСАЕВ

1`-(п-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтези 28

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

М.ШЕРМАТОВ, Э.БОТИРОВ

Анжир парвонаси (*Choreutis nemorana* Hb.)нинг биологияси 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Д.ҚУДБИЕВ, А.ТОШПЎЛАТОВ

Ишчи кучи баҳоси, даромад солиғи ва бандликнинг долзарб масалалари..... 35

М.АБДУРАХМОНОВА, Б.ТОЛИБОВ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари 38

ТАРИХ

У.МЕЛИҚЎЗИЕВ, С.ЮЛДАШЕВ

Сипоҳсолор Бакр Фарғоний 43

Н.ҲАМАЕВ

“Туркистон” ва “Қизил байроқ” газеталари - Фарғонада шўро тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихига оид манба сифатида 46

А.НИШОНОВ

Султон Саидхон ҳукмронлиги даврида Фарғона водийси 50

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

И.АРЗИМАТОВА, Б.РАХМОНОВ

Фуқаролик жамияти шароитида шахсни эстетик тарбиялаш масалалари 53

Ф.ЮЛДАШЕВ

Жамиятда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари 56

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.ҚУРОНОВ

Драматик асар композицияси 59

С.РАФИДДИНОВ, И.МАННОПОВ

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳикматнавислик анъанаси 66

Б.МУХТОРАЛИЕВ

Болалар ички олами талқинида фольклорнинг ўрни (А.Обиджоннинг “Кезаргон бойчечак” қиссаси мисолида) 69

УДК: 658.7
K88

ИШЧИ КУЧИ БАҲОСИ, ДАРОМАД СОЛИҒИ ВА БАНДЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Д.Қудбиев, А.Тошпўлатов

Аннотация

Мақола иқтисодий тизим тараққиётининг ҳозирги босқичида ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган ҳудудларда ишчи кучи бандлигини оширишнинг молиявий-иқтисодий дастакларидан самарали фойдаланиш механизмларига бағишланган.

Аннотация

Статья посвящена эффективному использованию механизмов финансово-экономических инструментов повышению занятости рабочей силы в трудоизбыточных регионах на современном этапе развития экономической системы.

Annotation

The article is devoted to the effective use of the mechanisms of financial and economic instruments to increase the employment of labor in the surplus regions at the present stage of the development of the economic system.

Таянч сўз ва иборалар: аҳоли бандлиги, ишчи кучи баҳоси, маҳаллий бюджет, даромад солиғи, норасмий бандлик, ишчи кучи миграцияси.

Ключевые слова и выражения: занятость населения, цена рабочей силы, местный бюджет, подоходный налог, теневая занятость, миграция рабочей силы.

Keywords expressios: employment of the population, the price of labor, the local budget, income tax, shadow employment, labor migration.

Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб бораётганлиги, мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида ва очиқ иқтисодиётни шакллантириш йўналишида ҳукумат томонидан олиб борилаётган ислохотлар ҳамда меҳнат миграциясининг динамикаси ташқи иқтисодий алоқаларнинг тобора кенгайишига таъсир кўрсатмоқда. Аҳоли бандлигини оширишда ривожланган мамлакатлардаги каби меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш масаласи, унинг молиявий, ташкилий, ҳуқуқий ва меъёрий механизмларини батафсил таҳлил этиш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Айниқса, жаҳондаги юз берган молиявий инқирознинг истеъмол маҳсулотлари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари нархига жиддий таъсир кўрсатиши жойларда иш билан бандлик, ишчи кучи баҳоси, маҳаллий бюджет тушумлари ва ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш ўртасидаги ўзаро боғлиқликдаги долзарб масалаларнинг илмий асосланган ечимларини аниқлашни назарда тутди.

Ўзбекистон аҳолиснинг асосий қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилиши, қишлоқ жойларида ишчи кучи таклифининг унга бўлган талабга нисбатан устун мавқеда сақланиб қолаётганлиги, бошқа ҳудудларда инвестицион оқимлар таъсирида бандлик даражасининг юқорилиги қишлоқ меҳнат бозоридаги ҳолатни комплекс, тизимли ва тўлиқ тадқиқ этишни назарда тутди. Яна бир

жиҳат шундаки, республика миқёсида ишчи кучи баҳосининг миқдорий параметрлари ривожланган мамлакатлар даражасидан ҳамон паст бўлиб қолмоқда. Ишчи кучи баҳоси билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолар ҳамда уларнинг келиб чиқишининг сабаблари ҳамда ҳал этишнинг асосий ечимлари сифатида қуйидагилар назарда тутилади:

1. Республика бюджетига ундирилаётган, умумдавлат солиқларидан бири ҳисобланган жисмоний шахслар даромадига солинадиган даромад солиғини маҳаллий солиқлар таркибига ўтказиш ва уни тўлиғича маҳаллий бюджетга йўналтириш мақсадга мувофиқдир [1]. Бунинг натижасида давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари зиммасидаги муҳим ижтимоий-иқтисодий маъсулият ва мажбурият ҳисобланган ҳудуддаги аҳоли бандлигини ошириш, норасмий бандликни камайтириш, пенсия фондига тушумни кўпайтириш, иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш каби долзарб масалаларни самарали ҳал этиш имконияти юзага келади. Бундан ташқари, маҳаллий бошқарув идораларининг расмий ишчи кучи таклифига мувофиқ равишда иш ўринларини барпо этиш, банд бўлмаган ишчи кучининг малакасини ошириш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, бизнес-инкубаторлар ташкиллаш учун молиявий маблағлари базаси кенгайди [2].

Д.Қудбиев – ФарПИ, иқтисод фанлари доктори, профессор.
А.Тошпўлатов – ФарПИ, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 май 2960-сонли “Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори эълон қилинди. Қарорга мувофиқ, янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришда уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ йўналтирилган ва тизимли ишлар олиб боришда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини кучайтириш, шу асосда банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал этиш кўзда тутилган. Соҳага тааллуқли бўлган мансабдор шахсларнинг иш ҳақи эса мазкур йўналишдаги фаолият натижадорлигига боғлиқ ҳолда оширилиши ёки камайтирилиши белгиланган.

Маҳаллий бюджетга фуқаролардан ундириладиган даромад солиғи тушумларини базасини кенгайтириш мақсадида мутассади идораларнинг вакиллари таълим муассасларини битирувчиларини, иш билан вақтинча банд бўлмаган шахсларни ишга жойлаштирилишидан манфаатдорлиги ортади. Бунинг таъсирида алоҳида олинган ҳудуд миқёсида ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлган ва банд бўлмаган ишчи кучининг реал кўрсаткичи аниқланади.

2. Тадбиркорлик субъектлари ва хусусий капитал эгалари солиқ ҳамда нафақа жамғармасига ажратмаларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида фирмалардаги ёлланма ходимларни расмий рўйхатга қўймасдан, уларга “конверт” шаклида маош тўлаш амалиёти кенг тус олганлигини яшириб бўлмайди. Мазкур ҳолат пенсия ёшига қадар муқим иш ўрнида фойдали меҳнат қилган, аммо иш ҳақи ҳисобидан пенсия жамғармасига ажратмаларни ўтказмаган ходимларнинг пенсия ёшига етгандан сўнг ижтимоий таъминоти билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради.

Ёлланма меҳнатдан норасмий фойдаланиш тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг мансабдор шахсларига йирик миқдордаги жарима қўлланиладиган юридик нормани жорий этиш билан муаммонинг ҳал этилишига эришиш мумкин.

3. Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ставкалари ва ажратмалар меъёрига ўзгартиришлар киритиш

лозим. Ҳозирги пайтда иш ҳақидан ундириладиган даромад солиғи ставкасининг ўртача тортилган даражаси ривожланган Ўзбекистон мамлакатларидаги кўрсаткичлардан деярли фарқ қилмайди [3.728]. Фикримизча, фуқароларнинг даромадларидан ундириладиган солиқни даъволар ставкасини, яъни қатъий ўзгармас меъёрини белгилаш лозим. Бундан ташқари, солиққа тортилмайдиган иш ҳақи миқдорини истеъмолад саватчаси қиймати билан тенг миқдорда белгилаш мавқсадга мувофиқ бўлади.

Натижада ундириладиган мажбурий ажратмаларни соддалаштириш ва уларнинг меъёрини пасайтиришга эришилади ҳамда ишчи кучи бандлигининг шаффофлиги ортади. Бундан ташқари, солиқ ва ажратмалар сонининг чеклангани ҳамда камайгани ҳолда маҳаллий бюджетнинг даромадларини кўпайиши билан бир вақтда ишчи кучининг реал баҳоси ортади.

4. Меҳнат бозорида иш ҳақининг оширилиши бевосита ишчи кучи тақлифи миқдорининг кўпайишига таъсир кўрсатади [4.323]. Сўнги ўн йил мобайнида иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида ишчи кучи баҳоси, яъни иш ҳақининг ўртача 15-20 фоиз ортиб боргани ҳолда инфляция суръати таъсирида реал иш ҳақининг ўсиши деярли сезилгани йўқ. Бу ҳолатни меҳнат бозорида қарийб ўн фоизга яқин ишчи кучи банд бўлган соҳада яққол кўриш мумкин. Расмий статистика маълумотларига кўра, 2017 йили бюджет ташкилотларида ходимларнинг ўртача иш ҳақи 15 фоизга ортгани ҳолда (декабрь ойида) инфляция суръати 14.4 фоизни ташкил этган.

Фикримизча, инфляцион кутишни ҳисобга олган ҳолда бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотларда ходимларнинг иш ҳақини ўртача 30-35 фоизга ошириш мақсадга мувофиқ.

5. Қишлоқ жойларидаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг малакаси ва касбий тайёргарлигининг бошқа тармоқларга нисбатан пастлиги ҳам ишчи кучи қийматига таъсир кўрсатади. Глобаллашув шароитида ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни жорий этилиши, жаҳонда илмталаб маҳсулотларга тақлиф ва уларга бўлган эҳтиёжнинг муттасил ўсиб бораётганлиги кадрлар малакасига жиддий талабларни қўймоқда. Иш ҳақи даражасининг пастлигига меҳнатнинг техник қуролланганлиги ва механизациялаш даражасининг пастлиги, яъни меҳнат унумдорлигининг юқори эмаслиги ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Фикримизча, мавжуд муаммони ҳал этишда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг

ИҚТИСОДИЁТ

барқарорлигига эришиш ва уларни моддий-техник таъминотини кучайтириш билан бир қаторда, уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг малакасини оширишда иш берувчининг маъсулияти ва мажбуриятларини ошириш, олий таълим муассасалари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторларда ва бандлик идоралари қошида касбга тайёрлаш курсларини ташкил этиш ва фаолиятини кучайтириш зарур бўлади.

Шу масалада, биринчидан, қишлоқ хўжалик тармоғига маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлашга мослашган ихтисослашган мини-техника ва технологияларни жадал жорий этиш мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, миллий иқтисодиёт тармоқлари учун мувофиқ бўлган малакали, замонавий билимларга ва кўникмаларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш лозим.

6. Халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ортиб бораётган ҳозирги пайтда маҳсулотларнинг таннархи таркибида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳиссаси ўрганиш, таҳлил этиш ва шу масалада муносиб, самарали ва оқилона бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш лозим. Ривожланган хорижий мамлакатлардаги компанияларда ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматида меҳнат харажатлари 40-45 фоизни ташкил этгани ҳолда, миллий компаниялар, фирмалар ва хўжаликларда бу кўрсаткич ўртача 20 фоизга яқин кўрсаткични ташкил қилмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларида ишчи кучи баҳоси таннарх таркибида 15-18 фоизни ташкил этади [6].

Шундан келиб чиқиб, қишлоқ жойларида фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар ва фирмаларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал даражасини амалдаги ягона тариф тизимининг камида учинчи разрядидан бошлаб ўсувчи тартибда ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир.

7. Маълумки, меҳнат бозоридаги ортиқча ишчи кучининг бандлигини таъминлашда интенсив усуллар юқори самара беради.

Ўзбекистонда ортиқча ишчи кучининг минтақавий жойлашуви асосан, водий вилоятларига тўғри келади. Ваҳоланки, республиканинг бошқа ҳудудларида ишчи кучи етишмаслиги кузатилмоқда. Масалан, 2015 йилда Навоий вилоятида 1 кв.м. га тўғри келадиган аҳоли сони қарийб 8.2 кишини, Бухоро вилоятида 44.0 кишини, Андижон вилоятида 665 киши, Фарғона вилоятида 509.6 кишини ташкил этган. Шу даврда мазкур вилоятлар бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ҳажми мос равишда 8349.9 минг сўмни, 4569.2 минг сўмни, 3258.6 минг сўмни ва 2846.4 минг сўмни ташкил этган [5,6].

Меҳнат бозоридаги ортиқча ишчи кучини ички миграция ҳисобига камайитиришда уларга фойдаланилмаётган ер майдонларини ажратиш, зарурий ишлаб чиқариш инфратузилмаларини барпо этиш, молиявий компенсациялар жорий этиш билан бир қаторда оилалар учун маиший шарт-шароитлар яратиш зарур бўлади. Ички миграция доимий равишда яшаш учун кўчиб ўтиш ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган ҳудудлар учун кўпроқ самара беради. Ўзлаштирилмаган ҳудудларда тегишли коммуникацияларни барпо этиш ҳисобига “бир оила - бир гектар” лойиҳасини синовдан ўтказиш зарур. Бунинг натижасида ишчи кучининг ташқи миграцияси кескин камаяди.

Шу билан бирга, меҳнат бозоридаги мувозантни таъминлашда мавсумий ва маятникли миграцияга жиддий эътибор қаратиш зарур бўлади.

Юқоридаги масалаларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ва ташкилий механизмларини ишлаб чиқилиши ҳамда изчиллик билан амалиётга жорий этилиши меҳнат бозоридаги ортиқча ишчи кучининг бандлик даражасини оширишга, унинг қийматини муносиб баҳоланишига, норасмий бандлик ва ташқи миграцияни сезиларли камайитиришга, пировард натижада эса, аҳолининг иш билан бандлиги ва турмуш даражасининг юксалишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Адолат, 2008.
2. Абдурахмонов Қ.Х., Зокирова Н.К. Меҳнат бозори назариясига янгича ёндошувлар // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. - 2011. -№1.
3. Шодмонов Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Иқтисод-молия, 2010.
4. Шамсутдинов Ф.Ш., Шамсутдинова Ш.Ф. Чет мамлакатлар солиқ тизими. Дарслик. – Т.: Фан ва технологиялар, 2011.
5. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. -2015-2017 йй.
6. www.stat.uz